

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**

**№\_\_\_\_\_**

**20\_\_\_\_ йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
201\_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги  
“\_\_\_” сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.**

**“Суғурта иши”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

**Тошкент – 2015**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус,  
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар  
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2015 йил 16 июлдаги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар:      **“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”  
модули:** с.ф.д., проф. И.Эргашев, ю.ф.н., доц.  
В.Топилдиев.

**“Илғор таълим технологиялари ва педагогик  
маҳорат” модули :** п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н.,  
М.Т.Мирсолиева, п.ф.н., доц. М.Усманбаева, А.Исянова.

**“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш” модули:** ф-м.ф.н., доц.  
Х.Холмедов, ф-м.ф.н., доц. Д.Иргашева, кат. ўқит.  
В.Хамидов.

**“Амалий хорижий тил” модули:** Ўзбекистондаги  
Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат.  
ўқит. У.Гиясова.

**“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”  
модули:** с.ф.д., проф. С.Жўраев, т.ф.д., проф.  
С.Абдурахимов, п.с.ф.н. Х.М.Алимов.

**Маҳсус фанлар бўйича:** и.ф.н., доц. Х. Шеннаев, и.ф.н.,  
доц. О. Юлдашев.

Тақризчилар:      и.ф.д., проф. Ш.Ш. Шодмонов, и.ф.н., доц. Х.А.Қурбонов

Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг  
қарори билан тасдиқка тавсия қилинган (2015 йил 29 июнданги 10-сонли  
баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзgartирилиши мумкин.

### **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари.
- 2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
- 2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

- 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуслари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Тизимли таҳлил асослари.
- 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

## **VI. Махсус фанлар**

- 6.1. Суғурта иқтисодиёти.
- 6.2. Суғурта ишининг долзарб масалалари.
- 6.3. Суғуртанинг замонавий технологиялари

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнирма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар киради:

“Суғурта иши” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўнирма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизmlарини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

максус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Суғурта иши” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талabalар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Максус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- суғуртанинг миллий иқтисодиёт таракқиётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишда эконометрик инструментарийлардан фойдаланишни;

- молия, суғурта, қимматли қофозлар бозорининг эконометрик прогнозлаш усулларини;

- суғурта бозорини ривожлантириш омилларини;

- суғурта хизматлари бозори иштирокчилари фаолиятини тартибга солишининг норматив-ҳуқуқий асосларини;

- миллий, минтақавий ва халқаро суғурта бозорларидаги замонавий тенденцияларни;

- Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишининг асосий босқичларини;

- миллий суғурта бозори ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий усул ва воситаларини;

- суғуртанинг замонавий технологиялари ва уларнинг сифат тавсифларини;

- суғурта бозорида олди-сотди обьекти бўлган суғурта маҳсулотини сотувчилар ва уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларини шартнома воситасида тартибга солишининг ўзига хос хусусиятларини *билиши* керак.

#### **Тингловчи:**

- молиявий воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар ва суғурта компаниялари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмини

таркибий таҳлил қилиш;

- эконометрик моделлар ёрдамида сұғурта хизматлари бозорини ривожлантириш омилларини аниқлаш;

- миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланиши қонуниятларини билишга таяниб сұғурта компаниялари иқтисодий жараёнларини таҳлил қилиш ва хulosса чиқариш;

- сұғурта компаниялари томонидан тузилган сұғурта шартномаларини түзиш тартиби ва ушбу шартномалар бўйича қабул қилиб олинган сұғурта мажбуриятлари кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- сұғурта компанияларида сұғурталаш фаолияти, рискларни бошқариш жараёнида фойдаланиладиган замонавий технологиялардан фойдаланиш;

- сұғурта фаолиятини таҳлил қилиш, сұғурта хизматлари бозори муаммоларининг асосий иқтисодий талабларини ифодалаш;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида сұғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисидаги моддалар бўйича **кўниқмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- сұғурта хизматлари бозорининг инновацион ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилишда эконометрик моделлар тизимидан фойдаланиш;

- сұғурта шартномаларини түзиш;

- Ўзбекистон сұғурта бозорининг ҳозирги ҳолатига умумий тавсиф бериш;

- Ўзбекистон сұғурта бозорига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- Ўзбекистон сұғурта бозорида монополия ва рақобат масалаларини таҳлил қилиш;

- сұғуртада рискларни бошқариш;

- айrim ривожланган ва ривожланаётган давлатларда сұғурта мукофотлари ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўрсаткичини таҳлил этиш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- жаҳон сұғурта бозоридаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни чукур таҳлил этиш ва олинган хulosаларни кенг жамоатчиликка тушунтириб бера олиши ҳамда сұғурта соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнида назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

- сұғурта компаниялари фаолияти ва сұғурта бозорига оид микро ва макроиқтисодий кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;

- эконометрик таҳлиллар асосида сұғурта тизимини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

- тузилган эконометрик моделларни сұғурта компаниялари фаолиятида кўллаш;

- сұғурта соҳасида оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- сұғурта компанияларини иқтисодий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- сұғурта хизматлари бозори иштирокчилари сифатида сұғурта компаниялари фаолиятини таҳлил қилиш ва уларни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш, сұғурта тизимини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

### **“Сұғурта иши” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

#### **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

##### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-

хуқуқий хужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчilarининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий хужжатлар.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий

асослари, инновацион жараёнларнинг кечиши босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонунийтлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, табақалаштирилган ўқитиш ҳамда интерфаол таълим методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкини яратишга қўйиладиган дидактик талаблар.

## **2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.**

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педаголарда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурӣ шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

## **2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илгор хорижий тажрибалар.**

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илгор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илгор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим

омил сифатида. Талабалар билимини баҳолашнинг ассеcмент технологиялари.

### **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

#### **3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.**

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиилар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимидали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарссликлар).

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимидали маъruzалар категориялари, Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очиқ курслар (Coursera, edX, Khan Academy, MIT Open Course Ware).

#### **3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологииларидан фойдаланиш. Таълимий интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиилари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараённи лойиҳалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

#### **IV. Амалий хорижий тил**

##### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиши, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари.

Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиши, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

#### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

##### **5.1. Тизимли таҳлил асослари.**

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услуг ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Тарабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

## **5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.**

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Суғурта иқтисодиёти.**

Суғурта тизимининг миллий иқтисодиётдаги тутган ўрни. Суғурта фаолиятини режалаштириш ва бюджетлаштириш. Суғурта ташкилотининг даромадлари ва харажатлари, уларни оптималлаштириш масалалари. Суғурта ташкилоти фаолиятининг молиявий натижаларини шаклланиши ва уни оптималлаштириш имкониятлари. Умумий ва ҳаёт суғурта тармоғида суғурта заҳираларини шаклланиши ҳамда уларнинг жойлашиши. Суғурта ташкилотининг тўлов қобилияти. Суғурта фаолиятини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш масалалари. Суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлиги, уни юксалтиришнинг ички ва ташқи омиллари.

### **6.2. Суғурта ишининг долзарб масалалари.**

Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш омиллари ва истиқболлари. Миллий суғурта бозори ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Ўзбекистон Республикасида суғурта тизими фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамасининг суғурта бозорини ривожлантириш юзасидан қабул қилган Фармон ва Қарорлари. Суғурта хизматлари бозорида барқарор рақобат муҳитини шакллантириш омиллари. Мулкларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштириш жараёнларининг суғурта тизимига таъсири. Суғурта соҳасида давлат монополиясининг тугатилиши. Давлат суғурта органларига рақобатлаша оладиган хусусий суғурта компанияларининг вужудга келиши. 1991-1994 йилларда миллий суғурта бозорининг шаклланиши. 1995-2001 йилларда Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиши: давлат иштирокида йирик суғурта ташкилотларининг тузилиши, суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар. Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси ва унинг миллий суғурта бозори ривожланишидаги аҳамияти. Ўзбекистоннинг йирик суғурта компаниялари томонидан тузилган суғурта шартномалари сони ва ушбу шартномалар бўйича қабул қилиб олинган суғурта мажбуриятлари кўрсаткичларининг тахлили. Суғурта шартномалари

сонининг энг йирик сұғурта компаниялари ўртасида тақсимланиши. Ўзбекистон сұғурта бозорида монополия ва рақобат масалалари. Ўзбекистон сұғурта бозорида истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш. Ўзбекистонда ҳаёт сұғуртасини ривожлантириш муаммолари. Ўзбекистонда ихтиёрий тиббий сұғуртанинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари.

### **6.3. Сұғуртанинг замонавий технологиялари.**

Сұғурта хизатлари бозорининг тараққиёти ва ундаги замонавий технологиялар. Сұғурта бозорининг профессионал иштирокчилари, уларнинг функционал вазифалари. Сұғуртада рискларни бошқариш технологиялари. Актуар ҳисоб китоблар. Сюрвеверлар. Аджастерлар. Сұғуртада суброгация ва регресс тушунчаларининг аҳамияти. Чет мамлакатлар сұғурта тизимиға оид атамалар ва тушунчалар. Хорижий мамлакатларда хусусий инвестицияларни сұғурталашнинг замонавий технологиялари (Ллойд ва AIG мисолида).

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларыда педагогик амалиёт очиқ маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (ложиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанин ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қўйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

### **Адабиётлар**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. И.А. Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008. - 176 б.

4. И.А. Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. – 566.

5. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011. - 440 б.

6. И.А. Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади. 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъзуза. -Т.: “Ўзбекистон”, 2012. - 36 бет.

7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

8. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014-йилга мўлжалланган иктиносий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

9. “2015-йилда иктиносидиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иктиносий ривожлантириш яқунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иктиносий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси.

## **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

## **III. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. - Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ,2010. - 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, - Т.: 2008.

5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саттаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. - М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана, 2002. – 336 с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2000. – 176 с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулокоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: Академия, 2011. – 154 б.
16. Шеннаев Х.М. ва бошқалар. Суғурта иши. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2015. – 237 б.
17. Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари. – Т.: Иқтисодиёт, 2010.- 110 б.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
4. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz) - Infocom.uz электрон журнали.
5. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
6. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
7. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
8. [www.alscom.uz](http://www.alscom.uz).
9. [www.uzbekinvest.uz](http://www.uzbekinvest.uz).
10. [www.kafolat.uz](http://www.kafolat.uz).